

Ашараи мубашшара ёки жаннат башорати берилган ўнлик



11:00 / 04.07.2021 8778

Абдууроҳман розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Абу Бакр жаннатдадир. Умар жаннатдадир. Усмон жаннатдадир. Али жаннатдадир. Толҳа жаннатдадир. Зубайр жаннатдадир. Абдууроҳман ибн Авф жаннатдадир. Саъд ибн Абу Ваққос жаннатдадир. Саъид ибн Зайд жаннатдадир. Абу Убайда ибн Жарроҳ жаннатдадир», дедилар».

Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан «жаннат башорати берилган ўнлик» истилоҳи ва тушунчаси келиб чиққан. Унда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларидан ўн кишини номма-ном айтиб, жаннати бўлишларини алоҳида-алоҳида таъкидламоқдалар. Бунда ана ўша ўн саҳобийлар тўғридан-тўғри жаннатга тушишлари қатъий эканлиги таъкидланган. Албатта, бошқа саҳобаи киромлар ҳам жаннатилар. Турли муносабатлар билан уларнинг ҳам жаннати эканлиги баён қилинган. Умумий оятлар ва ҳадислар, Бадр ва Худайбийя иштирокчилари каби.

Шунингдек, алоҳида ҳолатларда. Мисол учун, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳозир ҳузурингизга жаннат аҳлидан бир одам кирур, деганларида бир киши кириб келиши каби. Аммо номма-ном тайин ва таъкид ила айтиш ушбу ҳадиси шарифда келгани боис унда зикрлари келган ўн киши «жаннат башорати берилган ўнлик» бўлиб қолганлар.

Манба: arabic.uz